

Исломнинг осон дин эканлигига суннатдан далил



03:44 / 01.03.2020 3834

أَبُنُجَّانَ إِذَا مَلَ سَوْ هَلْ لَ صِلْ صِيَّبَنَّ لَانَكَ تَلَّاقَ أَهْنَعُ هَلْ لَ صِرَّ رَةَ شَائِعَ نَع
ةُ سَمَّ خَلَّ أُمُّ هَاوَرِيَّةُ لَ صِلْ لُ هُ وُضُ وُ أَضَوَّتَ مَانِي وَأَلْ كُ أَيَّ نَأْ دَارَافُ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон жунуб бўлсалар-у, ейиш ёки ухлашни ирода қилсалар, намозга таҳорат қилганларидек таҳорат қилар эдилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари шундай эди. Бу бир-икки марта қилинган эмас, балки одат тусига кирган ҳол эди. У зот

аввало ғусл вожиб бўлиши билан уни қилар эдилар. Лекин баъзи ҳолларда ғуслдан олдин ухлашлари ёки таом тановул қилишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Ана шундай вақтларда аввал намозга қиладиган таҳоратни амалга ошириб, ухлар ёки таом тановул қилар эдилар. Бу ҳам бўлса, Ислом дини осонлик йўлини тутишидан далолатдир.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан